

Солиҳ амал шариатга мувофиқ бўлиши керак



17:18 / 31 январь 778

«Ўзгармас ҳукмлар» нима дегани? Ҳақиқатда ҳам фикҳда ихтилофлар кўп. Лекин шундай масалалар борки, уларга барча иттифоқ қилади, бир ҳукмга ижмоъ қилади. Бундай масалаларда тафовутни, ихтилофни қабул қилмаймиз. Уларда фақат ва фақат ягона фикр, ягона ҳукм бўлади. Фикҳнинг устунлик сири ҳам айнан шунда: унда икки жиҳат бор. Биринчи жиҳат – фикҳнинг универсаллиги, мослашувчанлиги бўлса, иккинчи жиҳати – кўплаб масалаларда собитлиги, ўзгармаслигидир. Агар биз мана шу мослашувчанликни ва ихтилофни буткул тарк қилсак, юқорида кўрганимиздек, катта муаммоларга дуч келамиз. Иккинчи жиҳатни, яъни собитлик ва ўзгармасликни тарк қилсак, бошқа бир муаммога дуч келамиз. Мана, таҳаллул йўналишида ўзгармас ҳукмлар деган тушунча умуман йўқ. Биринчи тоифа ҳеч қандай ихтилофни қабул қилмай, ҳамма нарсага ташаддуд билан ёндашади, ўзига мухолиф бўлганларни адашганга, кофирга чиқаради, мазҳабларни ҳам тан олмайди. Иккинчи тоифада эса савобитлар, яъни ўзгармас ҳукмлар йўқ. Аҳли сунна ўша собит ҳукмларни «ижмоъ» деб атайди, яъни ҳамма мазҳаблар бу масалаларда ижмоъ қилишган. Биз уларни четлаб ҳам ўта олмаймиз, уларда ихтилоф бўлишини қабул ҳам қилмаймиз. Бирорта қози бу каби масалада ижмоъдан ташқарида ҳукм чиқарса, унинг ҳукми ўтмайди ҳам. Қозининг ҳукми ихтилоф қилинган масалалардагина ўтади. Таҳаллулчилар наздида эса биронта собит ҳукм йўқ, шунинг учун уларда ижмоъ деган тушунча ҳам йўқ.

Масала фикҳ илмини ўрганишнинг ҳукми ҳақида. Бу ерда муҳим бир баҳс бор. «Фикҳни ўрганиш фарзи кифоя, баъзилар ўрганса, қолганлардан соқит бўлади», деймиз. Лекин бу ерда бир нарсага эътибор қаратиш керак: муайян ҳолатга тегишли ўринларда унинг фикҳини ўрганиш фарзи айн бўлади, яъни ҳар бир мусулмон фикҳдан ўзининг ҳолатига кифоя қиладиган миқдорда илм ўрганиши шарт. Масалан, таҳорат, намоз, рўза каби ибодатга оид масалаларни, никоҳ, савдо-сотик каби муомалот масалаларини билиш фарзи айн. Буни уламолар «Илми ҳол» (ҳолат илми) деб аташади, яъни сизга ҳозирги ҳолатингизда ўрганиш шарт бўлган илм, дегани. Шунга кўра, фарзи айн сифатида ўрганишимиз энг керак бўлган илм фикҳ илми бўлади.

Илми ҳол фарзи айн бўлган илм сифатида юқоридаги мавзуда зикр қилинган учала илмга ҳам тааллуқлидир: ўзингизга етарли миқдорда фикҳ илмига, ўзингизга етарли миқдорда ақоид илмига ҳамда ўзингизга етарли миқдорда тазкия ва тарбия (нафсни поклаш, тарбия қилиш) илмига эҳтиёжингиз бор. Тазкия деганда, ихлосга интилиш, масалан, ғийбат ва чақимчиликдан сақланиш кабилар тушунилади. Буларнинг ҳаммаси илми ҳолга кириб кетади. Бу учала илмдаги барча маълумотларни эмас, балки мусулмон одамга айтилиши вақтда, шу бугун керак бўлиб турган қисмини билиш фарзи аиндир.

Хўш, бу нима дегани? Аҳли сунна сифатида биз дуч келаётган энг катта муаммолардан бири мана шу илми ҳолнинг йўқолиб бораётганидир. Унга эришишнинг энг зарурий йўли эса динни ўргатишдир. Динни ўргатиш деганда, илми ҳолни ўргатиб, мусулмонлар орасида ёйишни назарда тутяпмиз. Баъзи одамларни кўрасиз, ташқи кўринишидан мусулмон, лекин шариат аҳкомларини умуман билмайди. У бошқалардан нимаси билан ажралиб туради? Албатта, солиҳ амаллари билан. Солиҳ амал эса шариатга мувофиқ бўлиши керак.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.